



Онам мени тукканда уни ўраб турган чехралар ифодаси унга гайритабиий “бир нарса” тукканини хабар қилгандай эди..

Эсимни танибманки, мен бор-йўги қандайдир “бир нарса” эканлигимни англадим!

1

Мен бирор нарсага бўлган эҳтиёжимни билдириб йиглаганимда... истагим амалга ошмас эди.

Менинг укам бирор нарсага бўлган эҳтиёжини билдириб йиглаганида эса... бутун дунё унинг истагини амалга оширишга шошар эди.

Ўшанда мен

йиги либосини ечдим.

Сўнг уни тахлаб

онамнинг жавонига кўйдим.

2

Калбимда узокларда яратилган икки канот пайдо бўлди.

Кўлларимда тунлар бедорлиги ва йиллар хоргинлиги билан безатилган “оппок саҳифа” жилваланарди.

Онамнинг лаблари кимирлаб, у шивирлар эди.

– Канийди мана шу ютуқларни укангга берса эди.

Харфлар чилашиб эриб кетади.

Саҳифадан кора ёшлар оқиб тушади.

Узокларда яратилган калбим эса “анко”га дуч келади ва канотлари синиб, конланиб, ўзимга – кўкрак кафасимга қайтади!

3

Уй жихозлари вақти-вақти билан яраклатиб артиб турилганидек, онам ҳам мени муайян кунларда “яраклатиб” турар эди.

Аёллар кўплашиб “делегация” бўлиб келардилар.

Улар қадди-коматимга тасанно айтар эдилар.

Бўйимни ўлчар эдилар, энимни ҳам.

Қадам ташлашимга разм солар эдилар.

Менинг хидимни хидлаб кўрар эдилар.
Нафас олишимни санар эдилар.
Сочларимни макташни жойига кўяр эдилар.
Сўнг кетар эдилар!..

4

Тушимда у менга дердики:
– Кўлни кўлга бериб ахдлашамиз, азизим, келажак хаётимизни курамиз.
Тушимда мен унга дебман:
– Сен менинг тугилган онимсан!
Лекин...
Мен буни сенга қандай килиб айтаман?
Атрофимдаги мени ўраб турган барча нарсалар харитам белгиларини ўчириб юборар,
худудларим остоналарини ўзгартирар ва улар менинг тўрт томоним факат
шарк
шарк
шарк
шарк
эканлигини эслатар эди.

5

Мен уни кўришни хохладим..
Хатто у мени кўришни талаб килмаса ҳам.
– “Қандай шармандалик... овозингни ўчир, хой киз! Уни сен факат никоҳ кечаси кўрасан!”
Калбимда аланга олган ёнгин... умр орзулари... хиссиёт шалолалари... кичик сирларим...
Мен буларнинг хаммасини нотаниш, ҳеч қандай белгилари йўқ бир эркакка очиш учун
калбимда саклайманми?!
– “Биз хаммамиз мана шундай турмушга чикканмиз. Сен ҳам кўзларингни чирт юмгин-да,
бўлди!”
Юмилган кўзларим ичида халокатли коп-кора коронгулик, уни ой ҳам ёрита олмайди,
унда юлдузлар ҳам раксга тушмайди.
Калб тубида ёнган савол жўшкин уради:
– Нахотки, мен бутун умр кўзларимни юмганча қолишга мажбур сўлсам?

6

Кўз ёш томчиларимни битта-битталаб ютаман!
Ўқдек катл этувчи сўзларидан калбим галвирдек илма-тешик бўлади, унинг
огохлантиришлари тегирмонида аёллигим латофати ундай янчилиб кетади:
– “Агар сен шу ой ҳам хомиладор бўлмасанг, мен ой охирида уйланаман!”
Мен Худога сажда киламан, эримга бўйсунаман.
У хар сафар онасини зиёрат килиб, “кизил ўк”ларини жамлаб кайтгач, менинг рухимдан
кўринмас конлар оқади.

7

Когоз пулларнинг хаётбахш хиди бор, агар ўша пуллар пешона тери меҳнатимиз эвазига ишлаб топилган пуллар бўлса!

Биринчи лукмаи халолнинг таъмини кутиб, огиз очиб, каерга сарф килиш керагу, каерга сарф килиш керак эмаслигини режалаштиришда акл шошади.

– “Маошингни менга бер! Сенга ҳам, бу уйга ҳам мен пул сарфлайман!”

Шахсий эҳтиёжим учун керак бўлган маблагни олиш учун қўл чўзганимдаги хўрлик тенглашади, фарқи йўқ – бу унинг маошиданми ёки менинг ўз маошимданми.

Шунинг учун ишдан бўшадим!

8

Турли хил ранглар ўрмони кўз ўнгимда жилваланади.

Мен улар ичидан ўзимга кийиш учун кийим кидирдим.

Буниси мен учун тор...

Бунинг ранги жуда ҳам ялтирок, дарров кўзга ташланади, мен ундай эмасман.

Бу мени ёшартириб кўрсатади... менинг калбим қари, кекса.

Бу эса викорлик ва муҳимликни ялангочлайди. Менинг ичим бўм-бўш.

Мана буниси... эрим мен учун сотиб олди, у онахонларга, уй бекаларига, хонадон асираларига ва талабга қараб қакириладиган сийга хотинларга муносиб.

Мен уни кийдим.

Эрим эса юзини телевизор томонга буриб олди!

9

Шимолий кутб уйимда маскан топган.

Мен у билан нон-туз ейман.

Мен у билан сув ичаман.

Мен у билан ухлайман.

У билан суҳбатлашни хоҳласам, сукунатли чўккиларининг совуклиги мени қакириб олади.

Менга ҳам сукунат ва музлик неъматни келишини тилаб, ўз-ўзим билан кифояланаман.

10

Уйим саҳросида ўгил болам чиркиллайди.

Мактов ёрликлари, розилик медаллари, табрик ва муҳаббат коғозлари мени бундай ажойиб ютук билан кутлаб ҳар томондан ёгилади.

Алоҳида эътибор билан мени ўраб оладилар, бундай эътибор ҳиссиётимнинг бир қисмини эритиб юборади.

Турли-туман овқатлар: “ўгил болага фойдаси бор!”

Турли-туман насиҳатлар: “ўгил болага фойдаси бор!”

Пул ҳам саҳийлик билан ошиб-тошади: “ўгил боланинг манфаати учун!”

Мен шунда ҳар куни ўгил тугишни хоҳладим.

Уларнинг дунёга келиши ёритган доира ичида бўлиш учун, эҳтимол. Шунда уларнинг

онаси сифатида, уларни ўз танида кўтариб юрган инсон сифатида уларнинг юлдузлари ёругидан менга ҳам нимадир насиб килиб колар!

11

Болаларимнинг икки хизматкори бор. Бири ёлланган, маош эвазига, иккинчиси бепул. Уларнинг курук буйрукомуз чакирувлари тинмайди. Мен ва болаларим ўртасида ўзим орзу килган меҳр тўрларини тўкишга харакат килдим. Бирок “роҳ” куши уларнинг “аслидан нусха” – оталарининг чангаллари каби бўлишини хохлади.

12

Мен кизимни тукканимда мени ўраб турган чехралар ифодаси менга хохланмаган “бир нарса” тукканимни хабар килгандай эди. Кизим эсини таниганида, у бор-йўги кандайдир “бир нарса” эканлигини англамаслигини умид киламан!

Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси